

1. Эски ўзбек тилида кўмакчилар.
2. Богловчилар.
3. Юкламалар.
4. Модал сўзлар.

Кўмакчилар. Эски ўзбек тилида кўлланишда бўлган кўмакчилар худди hozirги ўзбек тилидагидек, икки гуруҳга бўлинади: а) соф кўмакчилар; б) функционал кўмакчилар. Соф кўмакчилар. Эски ўзбек тилида куйидаги соф кўмакчилар истеъмолда бўлган: ёчмн. Бу кўмакчи бош келишидаги сўзлар билан кўлланган. Куйидаги маъноларни ифодалайди:

а) аталганликни билдиради: Бу хикāйат эл мчндмр бары// бу ривайат эл мчндмр бары (ШН);

б) сабабни билдиради: Хиндустандын ЈзгЎ йэрдЎ болмас мчмн муны такрыб билЎ зикр кылдым (БН);

в) мақсадни билдиради: Илм тахсила мчмн шахрга келибтмр (Навоий,МН).

БирлЎ (бирлЎн // билЎ // билЎн). Бу кўмакчи дастлаб бирлЎ формасида кўлланган бўлиб, колган формалари кейинчалик вужудга келган. Куйидаги маъноларни билдиради:

а) биргалик маъносини: Бэш йгз эр бирлЎ атланур болды (КР).

б) восита маъносини: Бутларына найзаны! учи бирлЎн санчдылар (Ш.тар.)

в) холат, сабаб маъносини: Йэтмиш йыл болды нэъмат бирлЎ умр кечмрдм (КР)

г) пайт маъносини: Бир манзилга тунлЎ бирлЎ йэттилЎр (Тафсир).

Киби/кЎби. Бу кўмакчи ўхшатиш, киёслаш маъноларини ифодалайди: Кылай Мажнун киби кЈлмни хāли (Навоий ФШ). «згЎ хāнлар киби мажлис курмас (ШН).

Бикин. Бу кўмакчи XIV-XV асрларга оид ёдгорликларда учрайди. Юкоридаги кўмакчи каби ўхшатиш, киёслаш маъноларини ифодалайди: ТЈкмлгЎй āхири андын кан йэр мзрЎ сув бикин каным (Лутфий).

Йа!лыг (йа!лык). Бу кўмакчи ҳам ўхшатиш, киёслаш маъноларини ифодалайди: Гунча йа!лыг чāк болмаган гирибāн калмады (Сақкокий).

УзрЎ (узЎ). Асосан шеърий асарларда кўлланган. Иш-харакатнинг бирор нарса-предмет устида, юзасида бўлишини кўрсатади: Сунбул гул узЎ сайа салыбдур-му йāхуд// хар йан ачылыбдур-му ймзм! узЎ кулāла? (Мунис).

Ичрэ кўмакчиси иш-харакатнинг бирор нарса-предмет ичида содир бўлишини кўрсатади: Чāра будур ки, к҂хисār ичрЎ// ватан эткЎй карангу гар ичрЎ (Навоий СС).

Сары кўмакчисининг ёзма манбаларда акс этиши XIII-XIV асрлардан бошлаб кузатилади. Бу кўмакчи иш-харакатнинг йўналишини кўрсатади: Аны!-дэк урди ймз шахзāда сары//ки сарсар савсаны āзāда сары (Навоий ФШ).

Таба, табару. Бу кўмакчи XV асргача истеъмолда бўлган, иш-харакатнинг йўналишини билдиради: Фаластин таба барур болдылар эрсЎ, йолда ажāйибātлар кЈрдилЎр (КР). Теги кўмакчиси XV асргача бўлган ёдгорликларда учрайди, иш-харакатнинг пайт ёки ўринга нисбатан чегарасини билдиради: Кыяматка теги āрām кылгай (Хисрав ва Ширин).

Тегрм (дегрм) кўмакчиси ҳам иш-харакатнинг пайтга ёки ўринга нисбатан чегарасини билдиради: Уч йылга тегрм тахсил кылдым (Фуркат).

Сайы//сайын кўмакчиси иш-харакатнинг давомийлигини кўрсатади: Сени кЈргЎн сайын

аллаҳ дер-мэн (Лутфий).

Функционал кўмакчилар. Функционал кўмакчилар ҳам худди hozirги ўзбек тилидагидек, уч гуруҳга бўлинади: а) от-кўмакчилар; б) равиш-кўмакчилар; в) феъл-кўмакчилар.

Эски ўзбек тилида куйидаги от-кўмакчилар истеъмолда бўлган:

Алд: Тошни аны| алдында койдылар (Ш.тар.).

Йан: Йана Самаркандны| куйы йаныда Баги Шамал ва Баги Бэхишттур (БН).

Кат: Чыкыбан бэглўр аны| катыдын// йэтдилўр Кара кЈлгў илгār (ШН).

Каш: Чун бу сЈз хан кашыда айтылды (ШН).

О|: Фатима такы тэкмўлўри о|ында бирўр этмўк койды (Хисрав ва Ширин).

Ич: Шах Малик эл ичигў келди (Ш.тар.).

Орта: Балык анда тирилди, сув ортасына кирди (Тафсир).

Ара: Йаман катиб манзили каламданы-дек чāх ара болсун (Навоий, МК).

Уст: Андын со| Кашмир устигў йцрди (Ш.тар.).

Баш: Чах башыда койды бир кишини (Навоий, СС).

Аст: Меним кудратым астында калгай-сиз (Тафсир).

Туб: Бирўгц ул там тубиндў кэчўрдў ул кавушдын тонына сув тамды (КР).

Бāбыда: Самарканддын качыб келгўн киши бāбыда сЈзлўр битилиб эрди (Навоий, МШ).

Шу билан бирга, эски ўзбек тилида хакида, тараф, тегра, тогры, арт, кет, й̄з, барасыда, хусусыда, васфыда, жыхатыдын, хизмат каби от туркумига оид сўзлар функционал кўмакчи вазифасини бажарган. Айникса, хизмат сўзининг семантикаси ўзига хос бўлган, яъни ўзбек тилидаги олд кўмакчиси ифодалаган маънони ифода килган: Бу байтны Абдурахмāн Жāмий хизматыда окубдур (БН).

Равиш-кўмакчилар асосан чикиш келишигидаги сўзлар билан кўлланиб, пайт маъносини ифодалайди. Эски ўзбек тилида куйидаги равиш-кўмакчилар истеъмолда бўлган:

Бурун: Аны кЈргўч, фыганы жандын бурун чыккай (Навоий, МН).

Илгўри/илгўрц: Бу китабны айткандын он йетти йыл илгўри бизгў йāгы болуб эрди (Ш.тар.).

Ашну, о|. Илгўр̄, илгўри кўмакчисига синонимдир: Āдамны йаратмазда ашну йер й̄зингў халифа йаратур-мен (Рабг.). Фāтима ата|га бу к̄ндин £| емгўк тегмўгўй (Нажх.Ф.).

Кейин: ёч-тЈрт к̄ндин кейин захм билў-ок барды (БН).

Со|: Зулайхā Йусуфны зиндāнга салмыштан со| зиндāн капугына барур эрди (КР).

Со|ра: Йана бир нечў кадам баргандын со|ра шайх муридга йана айтты (Навоий, МК).

Бери: Андын бери бу бāдийаны «Хадарвеш» дерлўр (БН).

Нары/нару: Ул вақтда тцркмўндин нары тарафында отурган эллўр кЈп эрди (Ш.тар.).

Отру: Бу маъныдын отру алайхиссаламка Мустафā ат берилди (Нажх. Ф.).

Ташкары: Шāхрухийадын ташкары Хайдар бэг салган багда ханга мулāзамат кылдым (БН).

Шунингдек, эски ўзбек тилида башка, £згў, гайры равиш кўмакчилари, XIII-XIV асрдаги манбаларда азын кўмакчиси ҳам кўлланган.

Айру: Сендин айру не керўк бизгў (ШН).

Феъл-кўмакчилар. Эски ўзбек тилида –а/-ў аффиксли равишдош формасидаги феъллар кўлланиш ўрнига караб кўмакчи функциясини ҳам бажарган. Улар куйидагилар:

КЈрў: Ва аны| кыйматы жавхарыга кЈрў зāхир болур (Навоий, МК).

Йараша: Мўскўнигў йараша тушти нур//химматыга йараша тапты хузур (ШН).

Бака: Ул даманыдын кЈчцб, гарбка бака йцрцб, сувсыз кЈлдў тушулди (БН).

Богловчилар. Эски ўзбек тилида ҳам богловчилар вазифасига кўра икки гуруҳга

бўлинади: а) тенг богловчилар; б) эргаштирувчи богловчилар.

Тенг богловчилар маъно ва вазифасига кўра куйидаги турларга бўлинади: а) бириктирув богловчилари; б) зидлов богловчилари; в) айирув богловчилари; г) инкор богловчилари.

Куйидаги бириктирув богловчилари истеъмолда бўлган:

-у (-йу, -ву) богловчиси форс тилига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида кенг қўлланган:

Жахāнда тапмагай харгиз киши нāм-у нишāным (Саккокий). ТинмЎдилЎр сув ичиндЎ тун-у кун (ШН).

Ва богловчиси араб тилига мансуб бўлиб, эски ўзбек тилида кенг қўлланган: Жожы хāн Јлди ва йурт оглы Сайы хāнга калды (Ш.тар.) Франсузча ва алманча хат ва лисāн билдирни ЈзлЎригЎ лāзим билурлЎр (Фуркат).

Хам богловчиси уюшган бўлақлар ёки кўшма гап таркибидаги содда гаплар олдидан такрорланиб келган: Мавлāнā Али Шихāб хам равāн, хам пухта айтур эЎндир (Навоий, МН).

Тақы/дагы богловчиси кадимги ёдгорликлар тили учун характерли бўлиб, эски ўзбек тилида хам кенг қўлланган: Тагны эритур āхым, асар кылгусы бир кун/кЈ|лцм нечЎ ким болса темур таш дагы полад (Лутфий).

ЙЎмЎ, ма XIII-XIV асрларгача бўлган ёдномаларда учрайди: Бу кисса йЎмЎ тугЎл шарх кылынмыш турур (КР).

Айирув богловчилари. Куйидаги айирув богловчилари қўлланган:

Йā. Уюшган бўлақларнинг ёки кўшма гап таркибидаги содда гаплар нинг бирини иккинчисидан ажратиб кўрсатиш учун қўлланган: Шакардур ул ағыз йā писта, билмЎн (Лутфий).

Йāхуд. Қўлланиши ва маъноси бўйича йā богловчисига ўхшайди: Сунбул гул узЎ сайа салыбдур-му йāхуд//хар йан ачылыбдур-му йцзц| мзрЎ кулāла (Мунис).

Гāх. Бу богловчи кўпроқ такрорланиб қўлланади: Гāх сачын силЎр эди, гāх йцзин// гāх кашын сайлар эди, гāх к£зин (ШН).

Зидлов богловчилар. Улар куйидагича бўлган:

Аммā: Хоб айтыб эди, аммā мен рāзи болмадым (БН).

Лекин: Атланыб йол сары мāйил болды// лекин ул шахр черикидин толды (ШН).

Лек: Йардын ЈзгЎ харна деб мāни//эшитиб, лек а|ламай аны (Навоий, СС).

Валекин: Сени| ишкы|да Хāразмий йокалды// валекин йер йцзиндЎ аты калды (МН).

Валек: Казар-мен уйла ки Фархāд дард-у гам тāгын// валек тырнағым олды казарда тэшЎ ма|а (Мунис).

Вале: Барча тапылур бизгЎ, вале йар тапылмас (Лутфий).

Эски ўзбек тилида хам нэ инкор юкламаси қўлланган: Нэ кейин йаныб, нэ илгЎри йр̄б, сЈзни бир йергЎ койалмай келрлЎр (БН).

Эргаштирувчи богловчилар. Эски ўзбек тилида куйидаги эргаштирувчи богловчилар қўлланган:

Ким: Ул тағларда расмдурким, ташларда абйāт битиб казурлар (БН). Хāн хукм кылдыким, хеч ким мендин калмасун теб (Ш.тар.).

Ки: Андак хатун не йердин тапылурки, келиб ана|ны| орнын туткай (Ш.тар.).

Агар: Агар киши падшах йасағлыкдур, иши илгЎри баруры инāйатка бағлыкдур (Навоий, МК).

Агарчи: Факир аны агарчи кЈрмЎй-мен, аммā Мавлāнā Мухаммад Бадахшāнийдин эшитмиш-мен (Навоий, МН).

Агарчанд, гарчанд: Кайу шахридаким болса хунарманд// хама келди, йырак эрди гарчанд

(Фуркат).

Харчанд: Харчанд саъй кылдыким, Астрāбадны инисигЎ бермЎккЎ ризā болмады (БН).  
Чун, чу: Умид улким, чун дарвиш киши эрди, баъзи мустажаб болмыш болгай (Навоий, МН).

Чунким, чунки: Васли хажрын кыссасын бир кун са|а шарх ЎйлЎгЎй// чунки вакифдур мени| йахшы-йаманымдын кJ|мл (Атоий).

Тā: Йахшыларыны тутуб £лт̄рс̄н, тā йаманлары хукмга бойун койгай теди (Ш.тар.).

Тāки: Болдылар душман аны| ханыга// тāки киргЎйлЎр аны| каныга (ШН).

Теб/деб: Ул оглан агач ичиндЎ тугды теб, āтын кыпчак койдылар (Ш.тар.).

Юкламалар. Эски ўзбек тилида куйидаги юкламалар кўлланишда бўлган:

-му: Шайх жанаби муридга айттыким, сенда хеч маълум бар-му? (Навоий, МК).

-ок: Сахар-ок калъа узЎ миндилЎр (ШН).

-ла: Тойны ташлаб келадур-ла оглу|// гамны ташлаб келЎдур-ла оглу| (ШН).

-гына/-гинЎ: Бугына масалны йахшыгына баглаган учун умид улким,..(Навоий, МН).

Модал сўзлар. Маълумки, модал сўзлар сўзловчининг айтилаётган фикрга турли кўшимча муносабатини ифодалайди. Эски ўзбек тилида куйидаги модал сўзлар кўлланган:

Магар: Магар эл аны майпараст эткЎй// разини а|лагай чу маст эткЎй (Навоий, СС).

Кāшки: ЙэргЎ кирсЎм кāшки, чун йэтмЎс ул айга элик (Лутфий).

Шāйад: Шāйад уйку кJзимгЎ майл эткЎй// андын āсāйышы ма|а йеткЎй (Навоий, СС).

Балки (балким): ДерлЎрким, шеърга андак машъуфдурким, қндЎ он газал, балки артурк айтур эрмиш (Навоий, МН).

Мабāдā: Ки анда Авлийā хāжа мабāдā, отырган болса, кылма ашкārā (Фуркат).

Башарти: Хеч бир сормасму-ды, нāкām даврāнлар £тЎр// куллары ичрЎ башарти еътыбарым бар ерди (Мук.).

Бāвужуди: Бāвужуди, бу жāмал истЎр вафāсындын к£|л (Атоий).

Шунингдек, мавжуд, лозимлик, номавжудлик ва хоказоларни билдирувчи бар, йок, лāзым, керЎк, даркār, демЎк ва бошка модал сўзлар хам фаол кўлланган.

### Савол ва топшириклар:

1. Хозирги ўзбек тили ва эски ўзбек тилидаги кўмакчиларни киёслаб чикинг, улардаги фонетик ўзгаришларни изоҳланг.
2. Богловчиларни санаб кўрсатинг, уларнинг кўлланиш хусусиятларига эътибор беринг.
3. Юкламалар ва модал сўзларнинг маъно ва вазифаларини изоҳлаб беринг.

### Таянч тушунчалар:

Кўмакчилар – от ёки отлашган сўзнинг феълга тобелигини таъминлайдиган сўз туркуми.

Соф кўмакчилар – айнан кўмакчилардир.

Функционал кўмакчилар – аслида бошка сўз туркумига оид бўлиб, функционал жихатдан кўмакчиларга транспозициялашган сўзлардир.

Богловчилар – гап ва гап бўлақларини боғлашда катнашадиган ёрдамчи сўз туркумидир.

Юкламалар – аташ вазифаси, лекин воқеликни (модал) ифода қиладиган ёрдамчи сўз туркумидир.

Модал сўзлар – сўзловчининг ўз фикрига муносабатини хамда фикрни тасдиқлаш, инкор

этишни ифодалайдиган ёрдамчи сўзлардир.